



2020 у «15» июнь

№ Қ-269

«__» 20__ г

**Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви
худудидан “SERVIS TORG INVEST”
МChJга ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/235-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 23 апрелдаги 58/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/235-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви худудидан “SERVIS TORG INVEST” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 580қ-дала контуридаги жами 3,0 гектар яйлов ер майдони, шундан 0,3 гектари чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва чорва молларини сақлаш комплекси, 0,2 гектари ғишт ишлаб чиқариш заводи, 0,3 гектар иссиқхона қурилишлари учун ва 2,2 гектари озуқабоп экилар экиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SERVIS TORG INVEST” МChJ чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва чорва молларини сақлаш комплекси ҳамда ғишт ишлаб чиқариш заводлари қурилиши учун ажратилаётган Т.Шобуров массивидан 0,5 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 692 430 (олти миллион олти юз тўқсон икки минг тўрт юз ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юкласин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов